



**АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ НАЗАРИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ
АМАЛДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10649512>

Шаропов Ойбек Олимович

*Кашкадарё вилояти Китоб тумани ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий
ривожлантириш ва маънавий-марифий масалалар бўйича ўринбосари.*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш бўйича ривожланган мамлакатлар тажрибалари ўрганилган, ишсизликни келтириб чиқарадиган омиллар ёритиб берилган. Мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари ҳамда аҳоли бандлиги соҳалар бўйича таҳлил қилинган. Шунингдек, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизлик даражасини камайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар

аҳоли, бандлик, ишсизлик, иш ўринлари, меҳнат мигрантлари, ўз- ўзини банд қилиш, таҳлил.

Меҳнатга қобилиятли аҳоли оқдлона бандлигининг шаклланиши фақат меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ва иктисодиётнинг барча секторларида таркибий ислохртлар утказилиши асосида амалга оширилиши мумкин. Булар ортикча ишчи кучининг оммавий озод булиши ва уларни саноат ва хизмат курсатиш тармоқларига ва шахей меҳнат фаолияти соҳаларига ҳамда шах.ар халк хужалигига окиб утиши ходимлар захздеаларининг шаклланиши ва уларни бозор механизмлари асосида сафарбар қилиниши ва кайта таксимл аниши жараёнини белгалаб беради[1]. Иктисодий адабиётларда «Окилона бандлик» тушунчаси хакида турли хил нуктаи назарлар мавжуд. Рус иктисодчи олими А.Б.Наумовнинг фикрича, «Окилона бандлик» тушунчаси самарали тулик бандлик билан синоним булади. Умумий курунишда тулик бандлик ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга Қобилиятли аҳолининг иш жойларига талабини бутунлай қаноатлантирганлигини билдиради[5].Агар аҳолининг ишчи жойларига талаби тула қаноатлантирилса ва ишчи кучидан энг катга самара билан фойдаланилса, унда аҳоли бандлиги окилона булади. Украин иктисодчиси В.Ф.Онищенко хдм худди шундай нуктаи назарни куллаб-қувватлаб,



таъкидлайдики, Окилона бандлик тулик ва самарали бандликнинг бирлашмасидир. Окилона бандлик уз ичига куйидашларни олади:

- 1) аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатга эҳтиёжини тулик каноатлантириш;
- 2) ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни самарали мувофиқдаштириш;
- 3) ижтимоий меҳнат унумдорлигининг энг катта имкондаги даражаси ва унинг самарадорлиги;
- 4) ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг маълум даражасида аҳолининг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини имкони борича тулшфок каноатлантириш. Меҳнат бозорининг ривожланиш шароитларида бу олимларнинг окилона бандлик - меҳнатга қобилиятли аҳолининг доимий иш жойларига талабини тулик қондиради, деган фикрларига қушилиш қийин [2].

Меҳнат бозори ёпшасига бандликни таъминламайди ва рақобат асосида сони узғариб турган «доимий» ишчи жойларини қафолатламайди. Бизнинг фикримизча, аҳолининг окилона бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф уртасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг юл дуйилиши мумкин (табиий) даражаси вужудга келади. Бундай мувозанат иш берувчилар ва «меҳнат қобилияти» кишиларининг идтисодий манфаатлари энг муқобил даражада амалга оширилишини таъминлайди. Бунда ишчи кучига қасб-малакали тайёргарлиги буйича мос нархлар белгиланади[8]. Худди шулар туфайли, аҳолининг одилона бандлиги, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ва ишчи кучининг қиймати асосида «меҳнат қилиш қобилияти»ни бозорда сотиш учун таклиф қилганларнинг турмуш даражаси шаклланиши ҳам таъминланади. Юқорида таклиф этилган тушунча нуқтаи назаридан қараганда республикамизда аҳолининг окилона бандлиги шаклланишига хали тула эришилгани йўқ.

Бунга қуйидагилар асосий тусиқ булмоқда:

1. давлат мулкини хусусийлаштириш самарадорлигининг паст даражаси;
2. иқтисодиётда тубдан таркибий ислохотлар ва ишловчилар қишлоқ хужалиги ишлаб чиқаришидан озод булшшнинг секинлиги;
3. меҳнат худди унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши; иш жойларининг сифатли моддий-техник жихозлар билан таъминланиши;
4. меҳнатга қобилиятли ўсмирлар, куп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар фаолиятининг етарлича рағбатлантирилмаганлиги;



5. ишчи кучи таклифини унта булган талабга нисбатан купрок усаётганлиги; буш иш жойлари хақида ишончли ахборотларнинг камлиги ва меҳнат бозорини самарали тартибга солиш механизмининг такомиллашмаганлиги.

Улар орасида давлат мулкани хусусийлаштириш ва иқтисодиёт тармоқларини таркибий ислох қилиш етакчи урин эгаллайди. Бу жараёнларни амалга ошириш купрок расмий характерга эга булиб қолмоқда. Вахоланки, ижара, хиссадорлик, ширкат, хусусий ва қушма корхоналарни ташкил қилиш аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига ижобий таъсир қилиб, ишчи кучига талабнинг ошишига ва унинг таклифи камайишига олиб келиши мумкин. Аммо республикамизнинг айрим жойларида ишчи кучига талабнинг камайиши ва унинг таклифи ошиши кузатилмодса. Ноқисшлоқ хужалигида иш жойлари сони етарли эмаслиги ва ишловчиларнинг касбий билимлари пастлиги республиканинг барча ҳудудларида мавжуд булган ишчи кучига талаб ва таклиф уртасидаги номутаносиблик ва ишсизликнинг асосий сабабларидан ҳисобланади [4]. Оқилона бандлик шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жихатлари қуйидаги мезонларда уз аксини топади:

- иш жойларини қупайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш;
- меҳнат унумдорлигининг усишини таъминлаш;
- аҳолининг меҳнат даромадларини қупайтириш;
- ишсизликни камайтириш ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг курсаткичларидан меҳнатга лаёқатли аҳолининг одилона бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизмларини, тегишли мақсадли комплекс дастурини ва эконометрик моделларни ҳамда комплекс тахлили ва истиқболни белгилашнинг методологик асосларини яратишда ва уларни тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин [3]

Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш Иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми булган бозорни бошқариш (тартибга солиш) сиёсати уч асосий мақсадга эришишни назарда тутди:

- таркибий қайта қуришни рағбатлантириш ва бушаб қолган ходимларни қайта тадсимлаш жарасини жадаллаштириш;
- ишсизларни меҳнат жараёнига тезлик билан жалб қилиш;
- иш қидираётганларнинг хар бирини иш билан таъмин этиш.

Давлатнинг аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатининг чора-тадбирлари қуйидаги соҳалар буйича табақалаштирилган:



- таъсир курсатиш объекта буйича (умумий ва ихтисослашган чоратадбирлар);

- маблаг билан таъминлаш буйича.

Аҳолининг бандликка кумаклашиш жамгармасига бадаллар тулаши учун сурурта тарифи меҳнат ҳақи тулашга мулжалланган мабларларнинг 1,5%ини ташкил этади. Бадаллар тулашдан ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, ногиронлар ва пенсионарларнинг жамоат ташкилотлари, уларга тегишли булган корхоналар, шунингдек, диний бирлашмалар озод килинади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳнат бозорини бошсаришда бир катор йўналишлар мавжуд бўлиб, улар аҳоли бандлиги давлат хизмати тааллуқлидир. Бу хизматнинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотни тарқатиш ҳисобига меҳнат бозорининг фаолият курсатиши самарадорлигани оширишдан иборат [6].

Иш билан бандлик хизматларининг ташкилий жиҳатдан шаклланиши улар фаолиятининг ушвор йўналишлари ва муҳим мақсадларни аниқлашни ўз ичига олувчи келгусида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишни зарурат этди. Бундан ташқари, у меҳнат бозорида ташқи омиллар таъсирини ҳам, ички омиллар ҳам таъсирини ҳисобга олиши зарур [5]

Иш билан бандлик хизматининг келгусида ривожланишига бевосита таъсир этувчи муҳим ташқи омиллар қуйидагилардан иборат:

-корхоналар банкрот бўлиши натижасида ишсизлик бирданига ўсиб кетишини ҳамда унинг оқибатларини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан баҳолашмаслиги;

-меҳнат бозоридаги ҳозирги реал воқеликка аҳолининг психологик жиҳатдан мослашувчанлигининг паст даражада эканлиги;

-мураккаб шароитларда иш жойларини сақлаб туришга ва қўшимча яратишга қизиқишларининг пастлиги.

Ички омилларга иш билан бандлик хизматида персоналининг касбий тайёргарлик даражасининг пастлиги ва чуқур билимга эга эмаслиги, авваламбор, мазкур соҳа фаолиятида тажрибаларнинг етишмаслиги, хизмат қисимларини моддий-техник жиҳозланганлигининг паст даражада эканлиги каби омиллар киради.

Бундан кўринадики, иш билан бандлик хизматининг ривожланиш концепцияси учта мақсадли даражасини ажратиш мумкин: умумий мақсад; фаолиятнинг муҳим соҳаларини аниқловчи асосий мақсад; фаолият йўналишларини аниқловчи функционал мақсад [8].

Иш билан бандлик хизматининг умумий мақсади қонунчиликка мувофиқ аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш ҳисобланади. Кўрсатилган мақсад иш билан бандлик хизмати фаолиятининг моҳиятини



унга мурожаат қилган кишилар учун мос иш қидиришга кўмаклашишдан иш билан бандлик хизмати жамоасининг ижтимоий ривожланиш муаммоларини ечишгача бўлган мақсадларни ўз ичига олади.

Айтиш керакки, келтирилган таъриф иш билан бандликни биринчи ўринга қўйиб, ишсизларга моддий ёрдам эмас, балки фаол иш қидиришни тўлиқ улчамда аниқлаш ва рағбатлантиришга иш билан бандликни интиштириш[7]

Иш билан бандлик хизмати ривожланиши мақсадида қуйидаги тадбирларнинг бажарилишига эътибор қаратиш зарур:

- персонал малакасини ошириш тизимини шакллантириш;
- бошқаришнинг мақсадли дастурлашга ўтиш;
- меҳнат бозорини таҳлили ва истиқболлаштириш сифатини ошириш;
- мижозлар билан ишлаш технологияларини такомиллаштириш;
- эгиловчан молиявий сиёсатни ўтказиш;
- мижозларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилишига нозоратни ташкил этиш;
- жамоанинг ижтимоий ривожланиши.

Меҳнат бозорида ҳар томонлама самарали ва истиқболли иш билан бандлик Дастурини тузиш мақсадида унинг ҳар бир бўлими учун кўрсатилиши зарур бўлган давлат иш билан бандлик хизмати фаолиятининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва улар қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

1. Аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш ва ишсиз фуқароларни ижтимоий қўллаб қувватлаш.
 - а. Фуқароларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.
 - б. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлаш.
 - в. Ишсизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб қувватлаш.
2. Иш берувчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш.
 - а. Худудий даражада ишчи кучига бўлган талабни таъминлашда иш берувчиларга кўмаклашиш ва худудлараро иш кучини қайта тақсимлаш.
 - б. Жамоат ишларини ташкил этиш.
 - в. Ишсизларнинг тадбиркорлик ташаббусини рағбатлантириш ва кўмаклашиш.
3. Иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларни касбий ҳаракатчанлиги (мобиллиги) ва рақобатбордошлигини ошириш.
 - а. Фуқароларни касбга ўқитишни ташкил этиш.



б. Иш билан бандлик хизматига мурожаат қилувчиларни касбий йўналишларини аниқлаш ва психологик қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш.

4. Давлат иш билан бандлик хизмати ривожланиши.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, аввало аҳолини реал ва тўғри ҳаддовдан ўтказиш лозим. Бу аҳолининг демографик ўзгариши ва иш билан бандлигини таъминлашга доир таҳлил ва тадқиқотлар натижаларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунингдек, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш ва яшаш шароитларини яхшилашга истиқболли стратегияларни реал ишлаб чиқиш имконини беради. Умуман олганда янги иш ўринларини яратишда меҳнатга ҳақ тўлашнинг муносиб тарифларидан фойдаланиш нафақат меҳнат унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатади, балки ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини оширишга ҳам олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР:

1. Салин В.Н., Нарбут В.В. Неформальная занятость населения России: оценка

масштаба и влияния на государственные финансы страны // Финансы: теория и практика. Том 21, № 6, 2017 – 60-69 с.

2. Долгих Е.А. Статистический анализ занятости и безработицы в Российской

Федерации. Автореферат, дисс. канд. экон. наук, М.: ГУУ, 2010

3. Krittanawong C., Kumar A., Wang Z., Baber U., Bhatt D.L. Self-employment and cardiovascular risk in the US general population // International Journal of Cardiology Hypertension. Vol. 6 (100035), 2020 – 1-4 p.

4. Абдуллаев М.К., Бегалова Д.Б. Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлашдаги долзарб масалалар // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Илмий электрон журнали. № 2 (00052), 2021 – 114-120 б.

5. Ирматова А.Б. Интеллектуал меҳнатни ривожланиши аёлларни иш билан

бандлигига таъсири // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” Илмий электрон журнали. № 1 (00045), 2020 – 93-100 б.

6. Насимов Д.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида бандликнинг замонавий шакллари жорий этиш методологик-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc) дисс.си автореферати, Т.: СамДУ – 2020



7.<http://www.vectoreconomy.ru/images/publications/2018/2/laboureconomics/Lyapkalo>.

8. Васильева Е.Г. Рынок перспективы // “Nova Info”
<http://novainfo.ru/article/11932>